

ШАРТНОМА  
№ 20/Р

Тошкент ш.

2022 йил 20 июнь

Кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб юритиладиган Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги номидан Низом асосида иш кўрувчи директор А. Саъдуллаев бир томондан ва кейинги уринларда иккинчи томондан «Ижрочи» деб юритиладиган ЯТТ «АББАЗОВ АБДУЛАЗИЗ ШАВКАТ ЎҒЛИ» номидан Гувохнома асосида иш курувчи раҳбари Аббазов А. Ш. қўйидагилар тўғрисида ушбу шартномани имзоладилар:

**1. ШАРТНОМА МАЗМУНИ**

1.1. «Ижрочи» мазкур шартноманинг 1,2,3-иловаларига мувофиқ товар ва хизматларни бажариш, «Буюртмачи» эса товарлар (ишлар, хизматлар)ни қабул қилиб олиш ва ҳақини тўлаш мажбуриятини олади.

1.2. Ушбу шартнома шартноманинг 1-иловасида кўрсатилган Спецификациялар (ишларга)га мувофиқ хизматларни амалга оширишни назарда тутади.

**2. ШАРТНОМАНИНГ УМУМИЙ ҚИЙМАТИ:**

2.1. Шартноманинг умумий қиймати ҚҚС билан 1 165 000 000 сўмни ташкил этади.

**3. ТЎЛОВЛАР ВА ҲИСОБ-КИТОБЛАР**

3.1. «Буюртмачи» «Ижрочи»га шартнома бўйича етказиб бериладиган товарлар (ишлар, хизматлар) қийматининг 15 фоизи **174 750 000 сўм** микдорида маблағни олдиндан ўтказиб беради.

«Буюртмачи» қолган шартнома бўйича етказиб бериладиган товарлар (ишлар, хизматлар) қийматининг 85 фоизи **990 250 000 сўм** тўловни товарлар (ишлар, хизматлар)ни қабул қилиб олганидан сўнг **3 иш куни** ичida амалга оширади.

**4. ТОВАРЛАРНИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ТАРТИБИ**

4.1. «Ижрочи» томонидан шартнома бўйича товарлар (ишлар, хизматлар)ни «Буюртмачи»га етказиб бериш йўли билан амалга оширилади.

4.2. «Ижрочи» «Буюртмачи»га шартнома Республика Фазначилигидан рўйхатдан ўтгандан сўнг шартнома бўйича етказиб бериладиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни **60 иш кунида** тўлиқ етказиб бериши ҳамда ўрнатиши лозим.

4.3. «Буюртмачи» шартномага мувофиқ етказиб берилган товарлар (ишлар, хизматлар)ни қабул қилинишини таъминлайдиган барча зарур ҳаракатларни амалга ошириши лозим.

4.4. «Буюртмачи» товарлар (ишлар, хизматлар)ни етказиб берилганидан кейин дарҳол кўздан кечириши, агарда етказиб бериш билан боғлиқ камчиликлар аниқланган тақдирда, «Ижрочи»ни зудлик билан ёзма равишда хабардор қилиши лозим.

**5. ШАРТНОМА ТАРАФЛАРИНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ**

5.1. «Ижрочи»нинг ҳуқуqlari:

етказиб берилган товарнинг ҳақини тўлашни;

товарни ўз вақтида қабул қилиб олишни;

шартнома шартларига тўлиқ риоя этишини;

«Буюртмачи»дан ўзига етказилган заарларнинг қопланишини талаб қилиш.

5.2. «Ижрочи»нинг мажбуриятлари:

товарни «Буюртмачи»га мулк қилиб топшириш;

шартномада назарда тутилган товарлар (ишлар, хизматлар)ни топшириш;  
шартномада кўрсатилган миқдордаги товарни топшириш;  
шартномада кўрсатилган сифатдаги товарларни топшириш ва ўрнатиб бериш;  
шартномада кўрсатилган муддатда товарни топшириш ва ишлар (хизматлар)ни  
кўрсатиш;

учинчи шахсларнинг ҳар қандай ҳуқуқларидан ҳоли бўлган товарни топшириш;  
товарни «Буюртмачи»га топширгунга қадар сақлаш.

**5.3. «Буюртмачи»нинг ҳуқуқлари:**

товарлар (ишлар, хизматлар)ни ўзига мулк қилиб топширишни;  
шартномада кўрсатилган миқдордаги товарни топширишни ва ишлар (хизматлар)ни  
кўрсатишни;

шартномада кўрсатилган сифатдаги товарни топширишни ва ишлар (хизматлар)ни  
кўрсатишни;

шартномада кўрсатилган муддатда товарни топширишни;

учинчи шахсларнинг ҳуқуқларидан ҳоли бўлган товарни топширишни талаб қилиш.

**5.4. «Буюртмачи»нинг мажбуриятлари:**

товарлар (ишлар, хизматлар) ҳақини ўз вақтида тўлаш;

товарлар (ишлар, хизматлар)ни ўз вақтида қабул қилиб олиш;

шартнома шартларига тўлиқ риоя этиш;

«Ижрочи»га етказилган зарарни қоплаш.

## **6. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ҚОИДАЛАР**

**6.1. Томонлар шартнома бўйича ўз зиммаларида мажбуриятларни бажариш давомида**  
Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши кураш тўғрисидаги қонунлари талабларига  
зид келувчи бирон бир хатти-ҳаракатларни содир этмайдилар, жумладан, бир Томон  
ходимларининг ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда бажариши лозим ёки мумкин бўлган  
муайян ҳаракатни пора бераётган шахснинг манфаатларини кўзлаб бажариши ёки  
бажармаслиги эвазига шахсан ўзи ёки воситачи орқали пора таклиф этиш, ваъда бериш, таъма  
қилиш, тўлаб бериш каби ҳаракатларни содир этмайдилар, яъни ходимлар моддий  
қимматликлар олиш ёхуд мулкий манфаатдор бўлишга розилик бермайдилар. Томонлар  
кўрсатиб ўтилган хатти-ҳаракатларга йўл қўйилмаслиги бўйича тегишли чоралар кўрилишини  
кафолатлайдилар.

**6.2. Агар шартнома бўйича бир Томон иккинчи Томон ходимининг ушбу шартномага**  
ҳамда Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига зид бўлган хатти-ҳаракатига, шу жумладан  
коррупцион қонунбузарликни содир этишга мажбурлаш ҳолатига дуч келса, бу ҳакда иккинчи  
Томоннинг масъул ходимларига маълум қилиши лозим.

## **7. ШАРТНОМА БЎЙИЧА ЖАВОБГАРЛИК**

**7.1. Тарафлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада**  
бажармаган тақдирда айбдор томон:

иккинчи тарафга етказилган зарарларни қоплайди;

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида, «Хўжалик юритувчи субъектлар  
фаoliyatinining шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси  
Қонунида, бошқа қонун ҳужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда  
бошқача жавобгарлика тортиласди.

**7.2. Агар «Буюртмачи»га унинг талабига кўра сотиш жойида дарҳол товар тўғрисидаги**  
ахборотни олиш имкони берилмаган ёхуд унинг товарлар (ишлар, хизматлар)ни кўздан  
кечириш, товарнинг хоссаларини текшириш ёки товардан фойдаланишни кўрсатишни талаб  
қилиш ҳуқуқи таъминланмаган бўлса, «Буюртмачи» шартномани бажаришдан бош тортишга,

товар учун тўланган суммани қайтаришни ва зарарни қоплашни талаб қилишга ҳақли.

«Буюртмачи»га товар тўғрисида тегишли ахборот олиш имконини бермаган сотувчи товар сотиб олувчига топширилганидан сўнг товарда пайдо бўлган камчиликлар учун ҳам, agar «Буюртмачи» бу камчиликлар ўзида бундай ахборот бўлмагани сабабли пайдо бўлганини исботласа, «Ижрочи» жавобгар бўлади.

7.3. Агарда товар «Буюртмачи»га идишсиз ва ўрамаган ҳолда ёки тегишли идишга жойламаган ва тегишли даражада ўрамаган ҳолда топширилган тақдирда, «Буюртмачи» «Ижрочи»дан товарни идишга жойлаштириш ва ўрашни ёхуд тегишли бўлмаган идиш ва ўрашни алмаштиришни талаб қилиш ёки бу талабларни қўйиш ўрнига ушбу шартноманинг 5.3-банди биринчи қисмидаги талабларни қўйишга ҳақли.

7.4. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 434-моддасига кўра «Ижрочи» «Буюртмачи»га сифати тегишли даражада бўлмаган товар сотилганида, agar унинг камчиликлари шартнома тузиш пайтида маълум қилинмаган бўлса, «Буюртмачи» ўз хоҳишига кўра:

худди шу маркадаги (моделдаги, артикулдаги) сифати тегишли даражада бўлган товарга алмаштиришни;

харид нархини тегишинча қайта ҳисоблаган ҳолда бошқа маркадаги (моделдаги, артикулдаги) сифати тегишли даражада бўлган товарга алмаштиришни;

товарнинг камчиликларини текинга бартараф этишни ёки «Буюртмачи» ёхуд учинчи шахс томонидан товарнинг камчиликларини бартараф этиш учун қилинган харажатлар қопланишини;

кўрилган зарар ўрнини қоплаган ҳолда шартнома бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

Товарлар (ишлар, хизматлар) учун тўланган пул сўммасини «Буюртмачи»га қайтариш вақтда «Ижрочи» ундан товардан тўлиқ ёки қисман фойдаланганлиги, товар кўриниши йўқолганлиги ёки бошқа шунга ўхшаш ҳолатлар туфайли товар қиймати қанча пасайган бўлса, шунча суммани ушлаб қолишга ҳақли эмас.

7.5. «Ижрочи» шартнома бўйича мажбуриятни бажармаган тақдирда, зарарни қоплаш ва неустойка тўлаш «Ижрочи»ни мажбуриятни асл ҳолида бажаришдан озод қилмайди.

7.6. Агарда «Буюртмачи» шартноманинг товарлар миқдори, сифати, идиши ва ўралиши тўғрисидаги шартлари бузилганлиги ҳақида «Ижрочи»га ўн кун муддат ичидаги маълум қилмаса, «Ижрочи» шартлар бузилганлиги натижасида келиб чиқадиган оқибатлар учун жавобгар бўлмайди.

7.7. Товарлар (ишлар, хизматлар)ни тўлиқ етказиб бермаганлик ёки етказиб бериш муддатларини кечикириб юборганлик учун «Ижрочи»дан неустойка пеня шаклида ундирилади. Бунда пенянинг миқдори ҳар бир етказиб берилмаган ёки етказиб бериш муддатлари бузилган товарлар (ишлар, хизматлар) умумий суммасининг 0,4 % (фоизи) миқдорида мажбурият амалда бажарилгунига қадар ундирилади. Бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

«Буюртмачи» томонидан топилган нуқсонлар ва камчиликлар ўз вақтида бартараф этилмагани учун «Ижрочи» «Буюртмачи»га муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун сифатсиз етказиб берилган товар қийматининг 0,4 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги керак. Пеня тўлаш «Ижрочи»ни ишларни бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган зарарларни қоплашдан озод қилмайди.

Муддат ўтказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тўлаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод қилмайди.

7.8. «Буюртмачи» «Ижрочи»га товар учун тўланмаган суммани муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун белгиланган муддатда тўланмаган сумманинг 0,4 фоизи

микдорида, аммо кечикирилган тўлов суммасининг 20 фоизидан ортиқ бўлмаган микдорда пеняни тўлайди.

Етказиб берилган товарлар (ишлар, хизматлар) умумий суммасининг 0,4 % (фоизи) микдорида мажбурият амалда бажарилгунига қадар ундирилади. Бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар қийматининг 20 фоизидан ошмаслиги лозим.

## 8. ШАРТНОМАНИ БЕКОР ҚИЛИШ

8.1. Шартномани бажаришдан бир томонлама (тўлиқ ёки қисман) бош тортишга тарафлардан бири шартномани жиддий бузган тақдирда йўл қўйилади.

8.2. «Буюртмачи» қўйидаги ҳолларда шартномани бир томонлама тартибда «Ижрочи»ни ёзма равишида хабардор қилган ҳолда бекор қилиш ҳуқуқига эга:

шартнома кучга киргандан кейин жихозларни етказиб бериш «Буюртмачи»га боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра «Ижрочи» томонидан муддати кечикирилганда;

тегишли даражада сифатли бўлмаган, сотиб олувчи учун мақбул муддатда бартараф қилиб бўлмайдиган камчиликларга эга бўлган товарларни етказиб берилганда.

Бундан ташкири, «Буюртмачи» қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

### 8.3. «Ижрочи»:

Товарларни етказиб бериш «Ижрочи»га боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра «Буюртмачи» томонидан бир ойдан ортиқ муддатга тўхтати қўйилганда;

«Буюртмачи» томонидан тўлов тартиби ўз вақтида бажарилмаганда;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

8.4. Агар маҳсулот етказиб бериш шартномасини бекор қилиш ёки ўзгартиришнинг бошқа муддати билдириш хатида назарда тутилмаган бўлса, шартнома бир тараф бошқа тарафдан шартномани бажаришдан тўла ёки қисман бир тарафлама бош тортиш тўғрисида билдириш хати олган пайтдан бошлаб ўзгартирилган ёки бекор қилинган ҳисобланади.

## 9. ШАРТНОМАГА ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ВА НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

9.1. Мазкур шартномага барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийластирилган ва тарафлар уларни имзолашган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.

9.2. «Буюртмачи» билан «Ижрочи» ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар қандай аҳдлашувни тарафлар мазкур шартномага қўшимчалар ёки ўзгартиришлар шаклида ёзма равишида тасдиқлашлари лозим.

9.3. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда шунингдек етказилган заарларни қоплашда пайдо бўладиган низоли масалаларни томонлар ҳал этилмаса улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Тошкент тўманлараво иқтисодий суди томонидан кўриб чиқилади.

## 10. ФОРС-МАЖОР ҲОЛАТЛАР

10.1. Тарафлар шартнома шартларини бажаришлари мобайнида уларнинг ҳохиш, эрки ва иродасига боғлиқ бўлмаган кучлар тўсиқлик қилса, жумладан: табиий оғатлар, зилзила, сув тошқини, ўруш эълон қилиниши, амалдаги қонунчиликнинг ўзгариши каби ҳолатларда форс-мажор ҳолати эълон қилинади. Қайси тараф учун форс-мажор ҳолати содир бўлса, ушбу ҳолат ҳакида иккинчи тарафни ёзма равишида огоҳлантириш шарт. Форс-мажор ҳолатлари З ой ёки ундан ортиқ давом этса тарафлар шартнома шартларини бажаришдан қисман ёки тўлиқ озод этиладилар.

10.2. Тарафлар форс-мажор ҳолатлар натижасида юзага келадиган оқибатлар учун жавобгар бўлмайдилар.

## 11. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

11.1. Шартнома Молия вазирлиги Фазначилигига рўйхатдан ўтказилган кундан бошлаб кучга киради ва 2022 йил 31 декабргача амал қиласди.

12.2. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 2 нусхада тузилди.

## 12. ТОМОНЛАРНИНГ БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ ВА ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ:

Буюртмачи	Ижрочи
<p>Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги</p> <p>г.Ташкент Шайхонтохур район, ул.Навой, 11А уй. х/р МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ФАЗНАЧИЛИГИ АМАЛИЁТ БОШҚАРМАСИ МФО 00014 ИНН 207 323 290 ҲҚҚМ “МАРКАЗИЙ БАНК” Тошкент шаҳар бош бошқармаси ФАЗНАХИСОВВАРАГИ: 23402000306100001010</p> <p>M.ў  А.Саъдуллаев</p>	<p>ЯТТ “АББАЗОВ АБДУЛАЗИЗ ШАВКАТ ЎҒЛИ”</p> <p>Самаркандский область, Иштыханский р-н, Шейхларкент к-к х/р: 20218000205431410001 АКБ “Капиталбанк” МФО: 01018, ИНН: 641049518, ОКЕД: 64190 Тел: +998 91 164 72 65</p> <p>M.ў  Аббазов</p>

XJ

(Курулмий хуносас билан)

1-илова  
“20” июнь 2022 йилдаги  
20/R - сонли шартномага

### СПЕЦИФИКАЦИЯ

№	Хизмат номи	Миңдори	Иш күни	Сумма
<b>Олимпиада қатнашчиларини рўйхатдан ўтишлари учун платформа яратиш (бот, сайт)</b>				
1	<p>Олимпиада иштирокчиларини рўйхатдан ўтказиш учун платформа яратиш, бот ёки сайтдаги рўйхатдан ўтган фойдаланувчилар маълумотлари кейинчалик ҳисоболар ва ташкилот статистикаларини амалга оширишда ишлатиш учун қулай тарзда олиш имконияти яратилади:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>• ишчи гуруҳ:           <ul style="list-style-type: none"> <li>- Лойиҳа бошқарувчиси, 4 кишидан иборат дастурчилар жамоаси ва сайт дизайнни учун веб дизайнер</li> </ul> </li> </ul>			
2	<ul style="list-style-type: none"> <li>- 2та серверга юкланди, бир вақтнинг ўзида кўплаб фойдаланувчилар ботдан фойдаланган ҳолатда ботнинг қотишларини олдини олиш учун</li> <li>- бот ва сайт камидা иккита серверга жойланиши, шунингдек сониясига 5000-10000гача Request (иштирокчи)га бардошли боииши керак</li> </ul>			
3	<ul style="list-style-type: none"> <li>- энг катта контингент фойдаланувчи платформа бўлгани сабабли, қамровни таъминлаш қулайлиги</li> <li>- бот ўзбек (лотин) ва рус тилларида ташкил қилинади</li> </ul>	Бот – 1 Сайт – 1	3 - 5 кун	29 500 000
4	<ul style="list-style-type: none"> <li>- фойдаланувчиларни янада жамлаш учун сайт ҳам яратилади, ушбу сайтга кирилганда, рўйхатдан ўтиш учун фойдаланувчи ботга ўтказилади</li> </ul>			
5	<ul style="list-style-type: none"> <li>- ишлаш типи бот билан бир хил, сайтга юқори босим бўлган ҳолатни олдини олиш учун техник ечим топилади, 2та серверга юкланди</li> </ul>			
6	<p>Админ панел</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- Ҳудудлар кесимида</li> <li>- Йўналишлар кесимида</li> <li>- Ёш тоифалари кесимида</li> <li>- Спорт турлари кесимида ёшлар рўйхатини саралай олиш</li> </ul>			
7	<p>Ботдан қўшимча функционал</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- СМС’ни фойдаланувчиларга оммавий юбориш;</li> </ul>			

	<ul style="list-style-type: none"> <li>- Иштирокчилар танлаган йўналиш асосида уларга рўйхатдан ўтиб бўлишлари билан Низомни юбориш</li> </ul> <p><b>Масс-медиаъда реклама учун ҳамда ёшларни қамраб олиш учун, олимпиадада қатнашишга чорловчи роликлар тўплами</b></p>			
8	<p><b>Олимпиада учун асосий, барча йўналишларни ўзига қамраб олган, промо ролик:</b></p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- Техника, РЕД камералари, обективлар, чироқлар ва транспорт;</li> <li>- Театр ва иккинчи даражали актёrlар;</li> <li>- Павилён ва мониторлар ижараси;</li> <li>- Роликнинг пост продакшнида ишлатиладиган графика;</li> <li>- Бошқа харажатлар, жамоа учун транспорт ва тушлик харажатлари, бошқа обектлар учун харажатлар;</li> </ul> <p>• ишчи гурӯҳ:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- Лойиҳа бошқарувчиси, арт-директор, режиссёр, сценарист -2та, операторлар ва рассом, гримерлар, пост продакшн ходимлари – Зта, овоз ёзиш студияси, дикторлар, монтажер ва моушн дизайнер, кадрлар учун дизайнер, арт-директор</li> </ul> <p>• <b>Тўлиқ техник талаблар - 2 - иловада</b></p>	1	10 - 14 кун	210 000 000
9	<p>Ҳар бир йўналиш учун алоҳида промо ролик суратга олинади:</p> <p>• <b>Йўналишлар</b></p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- спорт;</li> <li>- киберспорт;</li> <li>- “Мушоира” танлови;</li> <li>- “Ёш китобхон оила” танлови;</li> <li>- “Зукко китобхон” танлови;</li> <li>- “Заковат” интеллектуал ўйини;</li> <li>- “Қўвноқлар ва зукколар” танлови</li> </ul> <p>• <b>Роликларда:</b></p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- локациялар танланади ёки ЗД экранли павилионда, фонлар ва атмосфера яратилиб, суратга олинади;</li> <li>- кийимлар, актёrlар ва декорациялар яратилади;</li> <li>- ролик динамик рухда тасвирга олинади ва ижтимоий тармоқлар ва ОАВъда тарқатиш учун мослаштирилади.</li> </ul> <p>• ишчи гурӯҳ:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- Лойиҳа бошқарувчиси, арт-директор, режиссёр, сценарист -2та, операторлар ва рассом, гримерлар, пост продакшн ходимлари – Зта, овоз ёзиш студияси,</li> </ul>	7	10 - 14 кун	520 000 000

	дикторлар, монтажер ва моушн дизайннер, кадрлар үчүн дизайнер			
	• Түлиқ техник талаблар - 3 - иловада			
	Олимпиада стилистикаси ва логотипини яратиш, брандбок, танловлар атрибуллари дизайнни			
10	<p>Олимпиада логотипи ва стилистикаси яратилади:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>• <b>логотип</b> <ul style="list-style-type: none"> <li>- “5 ташаббус олимпиадаси” бренді асосида бүтүн тадбирларни бир жамлаб түрүвчи үмумий логотип дизайнни яратилади, 3-5 та вариантылар тақдим этилади;</li> </ul> </li> <li>• <b>ищчи гүрух:</b> <ul style="list-style-type: none"> <li>- Лойиҳа бошқарувчиси, арт-директор, график дизайннерлар – 3та, техник дизайннер, моушн дизайннерлар – 3та</li> </ul> </li> </ul>	Логотип учун вариантылар – 3		79 500 000
11	<ul style="list-style-type: none"> <li>• <b>стилистика ва айдентика</b> <ul style="list-style-type: none"> <li>- Тадбирлар давомида барча атрибулларда ишлатиш учун мұлжалланған ва логотипдан келиб чиққан стилистика ва айдентика яратилади, асосий дизайнлар ушбу стилистика асосида қилинади;</li> </ul> </li> </ul>	Стилистика учун вариантылар – 3	7 – 10 күн	40 000 000
12	<ul style="list-style-type: none"> <li>- роликлар интро ва оутро қисмлари учун тадбир стилистикасыдан келиб чиққан ҳолда 3Д анимация қилинади.</li> </ul>	1		
13	<ul style="list-style-type: none"> <li>• <b>брандбок, құйидаги атрибулларни ўз ичига олган брандбок ишлаб чиқылади</b> <ul style="list-style-type: none"> <li>- Футболка ва кепка;</li> <li>- Сумка ва эко пакет;</li> <li>- Визитка, конверт ва папка;</li> <li>- Блокнот, ручка ва брелок;</li> <li>- Кружка;</li> </ul> </li> </ul>	1		50 000 000
14	<ul style="list-style-type: none"> <li>• <b>Тадбирлар давомида ишлатилуви үмумий атрибуллар дизайнни</b> <ul style="list-style-type: none"> <li>- Ролл-уплар;</li> <li>- Баннерлар;</li> <li>- Информацион доска, тадбирлар жадвали акс этувчи доска;</li> <li>- Медиа шитлар дизайнни;</li> <li>- Сертификат дизайнни.</li> </ul> </li> </ul>	1		
	<b>Масс-медиа ва ОАВ, блогерлар орқали олимпиада стартини ва танловларни ёритиши</b>			
15	Республиканинг барча олди ОАВълари, тегишли ташкилотлар матбуют котиблари ва блогерлар билан түлиқ алоқа үрнатылади ва ташкилотга түлиқ прайс лист тақдим этилади, ушбу прайс асосида тадбир давомида барча өзенлар, роликлар ва барча керакли информацион хабарлар масс-медиада тарқатылади, ташкилот билан келишилгандай прайс лист ва блогерлар рўйхати ҳамда келишилгандай сўмма асосида	Буюртмачи хоҳишига биноан	З ойда давомида	200 000 000

	<p>рекламалар тарқатилади</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>• ишчи гурӯҳ:           <ul style="list-style-type: none"> <li>- Лойиҳа бошқарувчиси, ПР менежер, график дизайнер, монтажер, мұхбирлар – 2та, копирайтер</li> </ul> </li> </ul> <ul style="list-style-type: none"> <li>○ FUTBOL TV</li> <li>○ Kun.uz</li> <li>○ Daryo</li> <li>○ Kanallani dodasi</li> <li>○ Shopirlar</li> <li>○ Vodiy bozor</li> <li>○ Xushnudbek</li> <li>○ Toshkentliklar 24</li> <li>○ Qalampir.uz</li> <li>○ ANDIJONUZ</li> <li>○ Namanganliklar.Uz</li> <li>○ Tezkor xabarlar</li> <li>○ Telegram yulduzlar</li> <li>○ Farg'onaliklar 24</li> <li>○ QASHQADARYO AHLI</li> <li>○ Qashqadaryo e'lonlari</li> <li>○ YO'L-YO'LAKAY</li> <li>○ Namanganliklar 24</li> <li>○ Surxondaryoliklar</li> <li>○ UZBEK - GOLD</li> <li>○ MILITSIYA UZB</li> <li>○ Uzbekvideochannel</li> <li>○ Qo'qonliklar   Qoqon 24</li> <li>○ Andijonliklar</li> <li>○ Navoiy Kanal</li> <li>○ Andijon Bugun</li> <li>○ JIZZAXLIKlar</li> <li>○ NAVOIYLIKlar</li> <li>○ Xorazmliklar   Rasmiy kanal</li> <li>○ Buxoroliklar 24</li> <li>○ Bozor vodiy</li> <li>○ Namanganim Bugun</li> <li>○ SAMARQANDLIKlar - RASMIY</li> <li>○ SIRDARYOLIKlar</li> <li>○ Times.uz</li> <li>○ Vodiy TV</li> <li>○ AXBOROT</li> <li>○ Repost</li> <li>○ Vachach</li> <li>○ Podrobno</li> <li>○ FARG'ONALIKLAR</li> <li>○ Davletovuz</li> <li>○ Bugun</li> <li>○ SAMARQAND BUGUN</li> <li>○ TezNews</li> <li>○ Zafarbek Solijonov</li> <li>○ The bakiroo</li> <li>○ Alimoff</li> <li>○ Kapital</li> </ul>		
--	---	--	--

#### Олимпиада сўнгига тадбирлар ҳақида батафсил инфо-албом

16	Тадбир сўнгига кўра, барча медиа материаллар акс этган, тадбир сўнгига кўра рақамли	1	Тадбир сўнгига,	36 000 000
----	---	---	-----------------	------------

	хисоботлар ва айрим йўналишлар кесимида ғолиблар сони ва улар ҳақида қисман маълумот акс этган информацион албом яратилади	10 – 14 кун давомида	
17	Расмлар билан ишлар, фотосессиялар – 50дан ортиқ фотосуратлар устида ишланади ва уларнинг барчаси албомда ишлатилади;		
18	Текстлар верстка қилинади, барча текстлар муҳаррирлар ёрдамида тузатилади ва тадбир ҳақида статистик маълумотлар албомда ишлатиш учун тайёрланади;		
19	Статистик маълумотлар графиклар, диаграммалар ва чартларга қўйиб, чиройли ва тушунарли ҳолатга келтирилади, статистик маълумотлар ботнинг аналитика қисмидан олинади;		
20	Чоп этишга тайёрланади		
21	• ишчи гуруҳ: Лойиҳа бошқарувчиси, арт-директор, график дизайнерлар – Зта, техник дизайнер, моушн дизайнерлар – Зта		
Жами			1 165 000 000 сўм

Жами: 1 165 000 000 (бир миллиард бир юз олтмиш беш миллион) сўм (ҚҚС билан)


Ижрочи

Аббазов А.Ш.  
М.У.



Буюртмачи

А. Сайдуллаев  
М.У.



**"Беш ташаббус олимпиадаси" учун асосий, барча йўналишларни ўзига қамраб олган, промо роликни тайёрлашга қўйиладиган**

**ТЕХНИК ТАЛАБЛАР**

Видео маҳсулотлардаги тасвирга сифат бўйича талаблар: 16:9 форматда 20 битрате Фулл ХД (1920x1080) ёки 4K(3840x2160)

Видеодаги овоз бўйича талаблар: 320 кбс стерео AAC форматдаги сифатда.

Видео сони: 1 та.

Видео давомийлиги: 01:00 - 01:30 дақиқагача.

Жанр: мусиқий - динамик

Мавзу: "5 ташаббус олимпиадаси" танловининг мазмун-моҳиятини тушунтиришга қаратилган тарғибот ишларида кенг фойдаланиш учун видеоролик тайёрлаш.

Видео маҳсулотларнинг ишчи тили ўзбек тили

Видеоролик ссенарийси олдиндан Буюртмачига тасдиқлаб олиниши талаб этилади.

Ишлаб чиқарувчи ёшларга оид давлат сиёсатини тарғиб қилувчи, ижтимоий аҳамиятга эга бўлган видеороликни тайёрлаш бўйича тажрибага эга бўлиши, ишлаб чиқарувчи томонидан яратилган маҳсулотлар республиканинг марказий телеканаллари орқали эфирга узатилган бўлиши лозим. Рэспублика ташкилотлари билан ҳамкорликклида ишлаган бўлиши.

Видеоролик 10x3 метр ўлчами, призмали ва керакли атмосферани ҳосил қилиб бера оладиган монитор билан жиҳозланган маҳсус павилионда, керакли локация атмосфераси яратилган ҳолда ҳамда компьютер графикаси ишлатилган ҳолда суратга олиниши ҳамда танлов доирасида ташкил этилаётган барча йўналишларнинг қисқа моҳиятини очиб бериши талаб этилади.

**Монитор ижараси: 2 кунни ташкил қиласи, камида**

Локациялар: футбол майдони "Бунёдкор" ёки "Пахтакор" стадиони 3Д модели, кўчада футбол ўйнаш жойи, енгил атлетика майдони, стол тениси павилиони, кутубхона ва саҳна, қўшиқ куйлаш саҳнаси, Заковат ўйин жойи ва ссенарийдан келиб чиқсан ҳолда қўшимчалар

Видеороликда 5ташаббус логотипи асосида қурилган 3Д шаҳар ичидан камера чиқиб келиши ва ушбу камера кейинчалик ҳар бир йўналиш учун қурилган кичик павилионлар бўйлаб ўтиши керак бўлади.

Видеороликда театр актёрлари, ёш ҳаваскор талабалар, театрда фаолият юрутuvчи стажор ёшлар иштирок этган ҳолда суратга олинади.

Видеоролик камида 2 календар куни давомида, камида 4та сменада суратга олиниши талаб этилади.

**Тайёр видеомаҳсулотни бериш учун Ишлаб чиқарувчига 5 иш кун вақти берилади.**

Видеоролик қўйидаги техник ускуналарда тасвирга олиниши талаб этилади: РЕД ДРАГОН (Кинокамера).

Кино оптика 15 мм, 24 мм, 35 мм, 50 мм, 135 мм.

Релс Тележка (ПАНТҲЕР), Оператор крани 12 м, Стедисам.

Монтаж (профессионал, рангли коррекция, ВФХ графика)

Компьютер графикаси – видео бошида, охирида логотипнинг 3Д анимациясини қўйиш ҳамда видеоролик давомида компьютер графикаси ёрдамида ВФХ эффектлар ёзиб, видеони бойитиши.

Павилиондаги экран учун техник талаблар:

Монитор ўлчамлари: 8x3 метрдан кам бўлмаган

Кадр сифати: камида ФуллХД

Локациялар сони: камида 5 хил атмосфера яратилган ҳолда, компьютер графикаси

Локациялар сони: камида 5 хил атмосфера яратилган ҳолда, компьютер графикаси ёрдамида ушбу локацияларнинг яратилиши

Мұаллифлик ҳуқықлари бүйіча талаблар: Видео маҳсулотни яратишнинг барча босқичларида маҳсулотни яратувчи амалдаги қонунчилікка амал қылған ҳолда видео маҳсулотдаги тасвирлар, ёзув күринишидаги матнлар, товушлар, мусиқалар, овозлардан фойдаланиш талаб этилади. Тақдим этилган видео маҳсулотда мұаллифлик ҳуқықлари бұзилған ҳолатда, қайта таҳрир қилиш талаб этилади. Бұнинг иложи бўлмаган тақдирда видео маҳсулот Буюртмачи томонидан қабул қилинмайди.

Видео маҳсулотни ишлаб чиқувчилар видеонинг бошланғич қисмида Буюртмачининг логосини жойлаштириш талаб этилади.

Видеороликни ижтимоий тармоқлар, оммавий ахборот воситалари ва Интернет нашрларида оммалаштириш. (СММ, ПР).

Шу билан биргалиқда ишлаб чиқылған видео маҳсулот ишлаб чиқувчининг мұаллифлик ижодий мүлки ҳисобланиб, тасдиқдан ўтган тақдирда эркін тарқатиш ва фойдаланиш имкониятiga эга.

Видео маҳсулотни ишлаб чиқувчи Буюртмачининг тасдиқлашидан кейингина Интернет тармоғига жойлаштиришга рухсат берилади.

Видео маҳсулот ишлаб чиқарувчига тўлов дастлаб шартнома суммаси 30 фоизи тўланади, иш тўлиқ бажарилиб, Буюртмачи томонидан қабул қилингандан сўнг қолган 70 фоиз тўлов 5 банк иш кунида амалга оширилади. Видео маҳсулот ишлаб чиқувчи жамоадан вакил буюртмачи томон билан доимо алоқада бўлиши ва жараёнлардан хабардор қилиб туриши лозим.

Ижрочи

Аббазов А.Ш.  
М.У.



З-илова

"20" июнь 2022 йилдаги

20/P - сонли шартномага

**"Беш ташаббус олимпиадаси" нинг ҳар бир йўналиши тарғиботига қаратилган промо роликлар тўплами тайёрлашга қўйиладиган**

**ТЕХНИК ТАЛАБЛАР**

Видео маҳсулотлардаги тасвирга сифат бўйича талаблар: 16:9 форматда 20 битрате Фулл ХД (1920x1080) ёки 4K (3840x2160)

Видеодаги овоз бўйича талаблар: 320 кбс стерео AAC форматдаги сифатда.

Видео сони: 7 та.

Видео давомийлиги: 01:00 дақиқагача.

Жанр: мусиқий – динамик - анимацион

Мавзу: "5 ташаббус олимпиадаси" танловининг йўналишларининг ҳар бирининг мазмун-моҳиятини тушунтиришга қаратилган тарғибот ишларида кенг фойдаланиш учун видеоролик тайёрлаш.

Видео маҳсулотларнинг ишчи тили ўзбек тили

**Видеоролик сценарийси олдиндан Буюртмачига тасдиқлаб олиниши талаб этилади.**

Ишлаб чиқарувчи ёшларга оид давлат сиёсатини тарғиб қилувчи, ижтимоий аҳамиятга эга бўлган видеороликни тайёрлаш бўйича тажрибага эга бўлиши, ишлаб чиқарувчи томонидан яратилган маҳсулотлар республиканинг марказий телеканаллари орқали эфирга узатилган бўлиши лозим. Рэспублика ташкилотлари билан ҳамкорликликда ишлаган бўлиши.

**Йўналишлар кесимида талаблар:**

- спорт йўналишидаги танловлар тарғиботи учун видеороликка қўйиладиган талаблар:  
ушбу йўналишлар доирасидаги барча спорт турларининг акс этиши, уларга қатнашишга ёшларни чорловчи ҳамда ҳар бир спорт тури кадрда ҳеч бўлмагандан бир маротаба акс этиши;
- спорт йўналишидаги видеороликда югуриб кетаётган спортчининг (ЗД моделда ясалган) кийимлари ва атрофидаги атмосфера ўзгариши керак, бу асосида спорtlар турлари кўрсатилади;
- киберспорт йўналишидаги танлов тарғиботи учун видеороликка қўйиладиган талаблар:  
компьютер ўйинлар марказида ёшларнинг шижоат билан киберспорт билан шуғуланаётгани, ушбу соҳа орқали даромад қилаётган ёшларнинг ҳамда киберспорт орқали мусобақалашаётган ёшларнинг акс этиши;
- ушбу йўналиш учун видеороликда, компьютерда видеоўйин ўйнаб ўтирган боланинг экранига монитор кириб кетиши керак ва ўйинни бола виртуал реалликда ўйнаётгани акс этиши керак, барча жараёнлар ЗД анимация қилиниши зарур;
- "Мушоира", "Ёш китобхон оила" ва "Зўкко китобхон" танловлари йўналиши тарғиботи учун видеороликка қўйиладиган талаблар:  
кадрларда кутубхонаси силуети ҳамда китоб мutoаласи, шеър ёзиш ёки ёдлаш билан машғул ёшларнинг акс этиши, танловларнинг ўтган йилги ғолибларининг акс этиши, ушбу йўналишларда танловда қатнашишга чорлаши;
- Ушбу роликларда ЗД модел қилиб ясалган кутубхона ичida мутолаа қилаётган ёшлар акс этиши керак ва улар "Алишер Навоий" кутубхонасига айланиб кетиши керак;
- "Заковат" интеллектуал ўйини ва "Қувноқлар ва зўкколар" танлови йўналиши тарғиботи учун видеороликка қўйиладиган талаблар:  
"Заковат" ўйинлари хонаси ҳамда асосий қатнашчилардан айримлари кадрда акс

этиши, “Құвноқлар ва зүкколар” танлови иштирокчиларининг саҳнада акс этиши ҳамда ушбу йұналишларда танловда қатнашишга чорлаши;

- Ушбу роликларда “Заковат” ва “ҚВЗ” үйинлари үтказиладиган саҳналар 3Д модели ясаласы ва анимациялар шу 3Д саҳналарда бўлиши талаб этилади;

Видеороликлар жами бўлиб камида 5 хил локацияларда сурат олиниши ҳамда танлов доирасида ташкил этилаётган барча йұналишларнинг қисқа моҳиятини очиб бериши талаб этилади.

Видеороликда театр актёрлари, ёш ҳаваскор талабалар, театрда фаолият юрутувчи стажор ёшлар ҳамда йұналишлар кесимида үтган йилги ғолиблар иштирок этган ҳолда суратга олиниади.

Видеороликлар ҳаммаси бўлиб камида 4 календар куни давомида, камида 8та сменада суратга олиниши талаб этилади.

**Тайёр видеомаҳсулотни бериш учун Ишлаб чиқарувчига 5 иш күн вақти берилади.**

Видеоролик қўйидаги техник ускуналарда тасвирга олиниши талаб этилади: РЕД ДРАГОН (Кинокамера).

Кино оптика 15 мм, 24 мм, 35 мм, 50 мм, 135 мм.

Релс Тележка (ПАНТҲЕР), Оператор крани 12 м, Стедисам.

Монтаж (профессионал, рангли коррекция, ВФХ графика)

**Компьютер графикаси – видео бошида, охирида логотипнинг 3Д анимациясини қўйиш ҳамда видеоролик давомида компьютер графикаси ёрдамида ВФХ эффектлар ёзиб, видеони бойитиши.**

Муаллифлик ҳуқуқлари бўйича талаблар: Видео маҳсулотни яратишининг барча босқичларида маҳсулотни яратувчи амалдаги қонунчиликка амал қилган ҳолда видео маҳсулотдаги тасвиirlар, ёзув кўринишидаги матнлар, товушлар, мусиқалар, овозлардан фойдаланиш талаб этилади. Тақдим этилган видео маҳсулотда муаллифлик ҳуқуқлари бузилган ҳолатда, қайта таҳрир қилиш талаб этилади. Бунинг иложи бўлмаган тақдирда видео маҳсулот Буюртмачи томонидан қабул қилинмайди.

Видео маҳсулотни ишлаб чиқувчилар видеонинг бошланғич қисмида Буюртмачининг логосини жойлаштириш талаб этилади.

Видеороликни ижтимоий тармоқлар, оммавий ахборот воситалари ва Интернет нашрларида оммалаштириш. (СММ, ПР).

Шу билан биргаликда ишлаб чиқилган видео маҳсулот ишлаб чиқувчининг муаллифлик ижодий мулки ҳисобланиб, тасдиқдан үтган тақдирда эркин тарқатиш ва фойдаланиш имкониятига эга.

Видео маҳсулотни ишлаб чиқувчи Буюртмачининг тасдиқлашидан кейингина Интернет тармоғига жойлаштиришга рухсат берилади.

Видео маҳсулот ишлаб чиқарувчига тўлов дастлаб шартнома суммаси 30 фоизи тўланади, иш тўлиқ бажарилиб, Буюртмачи томонидан қабул қилингандан сўнг қолган 70 фоиз тўлов 5 банк иш кунида амалга оширилади. Видео маҳсулот ишлаб чиқувчи жамоадан вакил буюртмачи томон билан доимо алокада бўлганди ва жараёнлардан хабардор қилиб туриши лозим.

Ижрочи

Аббазов А.Ш.

М.У.



4368354



**Yakka tartibdagi tadbirkor davlat ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'risida  
(Yakka tartibdagi tadbirkor)**

**GUVOHNOMA**

**ABBAZOV ABDULAZIZ SHAVKAT O'G'LII ga**

(Yakka tartibdagi tadbirkorning to'liq ism, familiyasi va otasining ismi)

berildi, unga nisbatan Tadbirkorlik subyektlari yagona davlat reestriga yakka tartibdagi tadbirkor sifatida davlat ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'risida

19.08.2021

1442348

raqamli yozuv bilan ro'yxatga kiritiladi.

(Sana, oy (so'z bilan), yil)

JSHSHIR

52405036050035

Pasport: Seriyasi: AC Raqami: 2014823 25.06.2019 y. sanada berilgan

**ИШТЫХАНСКИЙ РОВД САМАРКАНДСКОЙ ОБЛАСТИ**

(Pasport bergen organning to'liq nomi)


Uy manzili: Samarqand viloyati, Ishtixon tumani, Ishtixon, Sheyxarkent q-q

Amalga oshiriladigan faoliyat tur(lar): Dizayn bo'yicha xizmatlar (grafik, inter'er, mebel' va hokazolar), shuningdek chizmachilik-grafika ishlari, shuningdek rassomlik san'ati, Komp'yuter dasturlarini Ishlab chiqish xizmatlari, komp'yuter o'yinlari tashkil etish, shuningdek komp'yuter yordamida matnlarni terish va bosib chiqarish xizmatlari, matndan nusxa olish va ko'paytirish bilan bog'liq xizmatlar, Reklamani Ishlab chiqish va joylashtirish

Faoliyatni amalga oshirish manzili Samarqand viloyati, Ishtixon tumani, Ishtixon, Sheyxarkent q-q

Guvochnoma: Samarqand viloyati, Ishtixon tumani, DAVLAT XIZMATLARI MARKAZI tomonidan berilgan

(Ro'yxatdan o'tkazuvchi organning to'liq nomi)



**2022 йил 20 июндаги 20/R-сонли шартнома лойиҳасининг  
амалдаги қонунчилик хужжатларига мувофиқлиги юзасидан  
ХУҚУҚИЙ ХУЛОСА**

**Шартнома тури:** ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш.

**Шартнома тарафлари:** Ёшлар ишлари агентлиги ва ЯТТ “ABBAZOV ABDULAZIZ SHAVKAT O‘G‘LI”.

**Шартномани тузишга асос:** Ёшлар ишлари агентлиги директорининг “Беш ташаббус олимпиадасининг таргибот материалларини тайёрлаш тўғрисида” 2022 йил 24 мартдаги 01-10/72-сон буйруғи, Ёшлар ишлари агентлиги харид комиссиясининг 2022 йил 15 июндаги 95124-сон лот бўйича баёни.

**Шартноманинг амалдаги қонунчилик хужжатларига мувофиқлиги:**

1. Шартнома Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг “Ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш” деб номланган 38-боби қоидалари билан тартибга солинади.

2. Шартномада унинг предмети, тарафларнинг мажбуриятлари, хизматларни кўрсатиш муддатлари ва тартиби, хизматлар қиймати ва ҳисобкитобларни амалга ошириш тартиби, коррупцияга қарши қоидалар (Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 14 сентябрдаги ПФ-6313-сон Фармони З-бандига мувофиқ), тарафларнинг жавобгарлиги, низоларни ҳал қилиш тартиби, форс-мажор ҳолатлари, шартноманинг амал қилиш муддати ва бекор қилиш тартиби, тарафларнинг реквизитлари белгиланган.

Ёшлар ишлари агентлиги Юридик бюроси томонидан хукукий экспертизадан ўтказиш натижаларига кўра

**Х У Л О С А :**

2022 йил 20 июндаги 20/R-сонли шартнома лойиҳаси амалдаги қонунчилик хужжатларига мувофиқ таҳрирда тузилган.

Ушбу хулоса шартноманинг суммасига, Ижрочи томонидан кўрсатиладиган хизматлар ва товарларнинг қиймати бозор нархларига мувофиқлиги ёки мувофиқ эмаслиги масаласига татбиқ этилмайди ва Юридик хизмат ушбу масала юзасидан жавобгарликни ўз зиммасига олмайди.

**Юридик бюро бошлиғи**

**А.Халиков**

2022 йил 20 июнь

**“T A S D I Q L A Y M A N”**



O'zbekiston Respublikasi  
Yoshlar ishlari agentligi direktorining  
birinchi o'rinnbosari, xarid komissiyasi raisi  
J.Xodjayev

2022-yil 20-iyun

Tanlov savdolarini o'tkazuvchi xarid komissiyasining davlat xaridlarining elektron portaliga e'lon qilingan 95124-sonli lot bo'yicha "Besh tashabbus olimpiadasi"ning targ'ibot materiallarini tayyorlash xizmatini xarid qilish uchun o'tkazilgan yig'ilish

**BAYONI**

2022-yil 20 iyun

Toshkent shahar

Yoshlar ishlari agentligi direktorining 2021-yil 19-iyuldaggi 01-10/152-son buyrug'iga asosan Yoshlar ishlari agentligi markaziy apparatida tashkil etilgan xarid komissiya quyidagi a'zolari ishtiroy etdi:

**Xarid komissiyasi raisi:**

J.Xodjayev Yoshlar ishlari agentligi direktorining birinchi o'rinnbosari;

**Komissiya a'zolari:**

I.Xoldorova Besh tashabbus loyihalarni muvofiqlashtirish boshqarmasi boshlig'i;

A.Xalikov Yuridik byuro boshlig'i;

D.Ubaydullayev Moliya-iqtisod boshqarmasi boshlig'i;

A.Muminov Inson resurslarini boshqarish bo'limi boshlig'i;

**Komissiya kotibi:**

A.Gulamov Ishlar boshqarmasi bosh mutaxassisi.

**KUN TARTIBI:**

Yoshlar ishlari agentligi direktorining 2022-yil 24-martdaggi 01-10/72-son "Besh tashabbus olimpiadasi"ning targ'ibot materiallarini tayyorlash to'g'risida"gi buyrug'iga asosan "Besh tashabbus olimpiadasi"ning targ'ibot materiallarini tayyorlash xizmatini xarid qilish bo'yicha tanlov g'olibini aniqlash.

(J.Xodjayev, I.Xoldorova, A.Xalikov, D.Ubaydullayev, A.Muminov)

Komissiya raisi kvorum mavjudligi inobatga olib kun tartibini ochish taklifini kiritdi va ovozga qo'ydi.

**Ovozga qo'yish:**

Komissiya a'zolari tomonidan taklif bir ovozdan ma'qullandi.

Komissiya raisi 2022-yil 24-martdaggi 01-10/72-son "Besh tashabbus olimpiadasi"ning targ'ibot materiallarini tayyorlash to'g'risida"gi buyrug'iga asosan "Besh tashabbus olimpiadasi"ning targ'ibot materiallarini tayyorlash xizmatini xarid qilish olish belgilanganligini ma'lum qildi.

Shundan so'ng, komissiya raisi so'z navbatini komissiya kotibi A.Gulamovga berdi.

Komissiya kotibi komissiya a'zolarini tanlov savdolarini o'tkazish tartibi bilan tanishtirib, Yoshlar ishlari agentligining 2022-yil 24-martdag'i 01-10/72-son "Besh tashabbus olimpiadasi"ning targ'ibot materiallarini tayyorlash to'g'risida"gi buyrug'iiga asosan "Besh tashabbus olimpiadasi"ning targ'ibot materiallarini tayyorlash xizmatini xarid qilish to'g'risidagi e'lon bo'yicha tanlov natijalari 2022-yil 15-iyunda maxsus axborot portali etender.uzex.uz saytida 2022-yil 30-maydag'i 95124-son lotida elektron shakl (pdf) da shakllanganligini eslatib o'tdi.

2022-yil 16-19-iyun kunlari maxsus axborot portali etender.uzex.uz saytida joylashtirilgan bayon bo'yicha taklif va shikoyatlar kelib tushmadi.

Shundan so'ng, Komissiya raisi 2022-yil 30-maydag'i 95124-son lotida 2022-yil 15-iyun kuni bo'lib o'tgan tanlov g'olibini tasdiqlash masalasini ovozga qo'ydi.

Ovozga qo'yish natijalariga muvofiq xarid komissiyasi

#### **Q A R O R Q I L A D I :**

- Yoshlar ishlari agentligining "Besh tashabbus olimpiadasi"ning targ'ibot materiallarini tayyorlash xizmatini xarid qilish bo'yicha 2022-yil 30-maydag'i 95124-son lotida 2022-yil 15-iyun kuni bo'lib o'tgan tanlov jarayoni yakunlangan deb hisoblansin.

- Yoshlar ishlari agentligining "Besh tashabbus olimpiadasi"ning targ'ibot materiallarini tayyorlash xizmatini xarid qilish bo'yicha **"Abbazov Abdulaziz Shavkat o'g'li" YaTT 1 165 000 000** (Bir milliard bir yuz oltmis besh million) so'm taklifi bilan tanlov g'olibi deb topilsin.

- Yoshlar ishlari agentligiga tanlov g'olibi bilan tanlov savdolari shartlari asosida shartnoma tuzish tavsiya etilsin.

#### **Xarid komissiyasi a'zolari:**

I.Xoldorova

A.Xalikov

D.Ubaydullayev

A.Muminov

**Bayonni yuritdi**

23.06.22

A.Gulamov